

World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy
Hosted Online from Toronto, Canada
Date: 26th November, 2026
Website: https://econferencia.com

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси ва Марокаш Қироллиги мамлакатлари тажрибаси асосида)
Худойбердиев Баҳодир Каримбердиевич
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация:
Тезисда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари бўйича Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси ва Марокаш Қироллиги қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ҳарбий адлия органлари, прокуратура органларининг ваколатлари, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш кафолатлари ўрганилган. Пул таъминоти, уй-жой, тиббий ва пенсия таъминоти, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳуқуқбузарликлар ва коррупциявий хавфларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилиб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Қуролли Кучлар, қонун, прокурор назорати, ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ҳарбий прокуратура, ҳарбий адлия, прокурор таъсир чоралари, Ўзбекистон Республикаси, Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси, Марокаш Қироллиги.



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy
Hosted Online from Toronto, Canada
Date: 26th November, 2026
Website: https://econferencia.com

Ҳозирги таҳликали замонда мамлакатлар Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги нафақат ихтисослаштирилган органлар мавжудлиги билан, балки уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган, таъсирчан прокурор назорати ҳужжатлари, профилактика фаолияти самарадорлиги билан ҳам белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси, Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси ва Марокаш Қироллиги Қуролли Кучларида қонунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, бу соҳада мамлакатимиз миллий қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Прокурор назорати мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимининг муҳим институти ҳисобланади. Ҳуқуқий тизим турли қонунбузилишлар каби кўплаб муаммоларга дуч келаётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати муаммоларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда прокуратура органлари томонидан вазирликлар ва идоралар, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга риоя этиши устидан назорат прокурор назорати деб аталади.[1]

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари фаолияти ва прокурор назоратини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат 2001 йил

[1] https://nrm.uz/contentf.doc=107761_prokurorskiy_nadzor&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

29 августда қабул қилинган Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади.[2]

Бир қатор тадқиқотчилар прокурор назорати давлат назоратининг таркибий қисми эканини таъкидлаб, уни давлатнинг ижтимоий ҳодисалар динамикасига таъсир кўрсатиш тизимининг компоненти бўлган фаолият қисми сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқлигини қайд этадилар.

Таҳлил этилаётган соҳада прокурор назорати предмети ҳарбий бошқарув органлари буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳамда услубий ҳужжатларни қабул қилишда қонунчилик талабларига риоя этишини назорат қилиш билангина чекланмайди. У ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий хизматдан бўшатилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни ҳам қамраб олади. Бунда мазкур тоифадаги шахслар учун қонунчиликда белгиланган кафолатларни таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бундай ҳаракатларнинг мақсади ҳарбий бошқарув органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш учун қонунчиликда назарда тутилган чораларни кўришдан иборат.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати ҳарбий прокурорларга қонун билан берилган ваколатлар доирасида амалга оширадиган чора-тадбирлар мажмуи орқали таъминланади. Бу йўналишда прокуратура ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, уй-жой, тиббий ва пенсия таъминоти, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа моддий таъминот турларини

[2]Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуни. https://lex.uz/ru/docs/105533

тартибга солувчи қонунчиликнинг лозим даражада ижро этилишини назорат қилади.

Назорат фаолияти давомида прокурорлар пул таъминоти ва қонунда белгиланган бошқа тўловларни тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик, уй-жой таъминоти талабларини бузиш, ҳарбий хизматчиларни белгиланган имтиёзлардан қонунга зид равишда маҳрум қилиш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа қонунбузилиши ҳолатларини аниқлайдилар.

Қонунбузилишлар аниқланганида прокурор уларни бартараф этиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган, қонунда назарда тутилган прокурор таъсир чораларини қўллайди. Бундай чораларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш, тегишли даъво аризалари билан судга мурожаат қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни бошлаш, шунингдек, айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа чораларни кўриш киради.[3]

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш мамлакатимизда бу соҳада самарали прокурор назорати тизимини такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга. Бу борада ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳарбий адлия органларининг фаолияти, прокуратура органлари фаолияти, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти конституциявий ҳамда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи билан тартибга солинадиган Уммон Султонлиги тажрибасига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

[3]«Ҳарбий хизматчиларнинг моддий таъминоти тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва моҳияти: прокурор назорати вазифалари ва принципларини белгилаш». Мастеренко П.А., 2025 йил 7 декабрь. https://www.вестник-науки.рф/article/27052

Таъкидлаш лозим, Уммон давлатининг 6/2021-сонли Қироллик фармони билан қабул қилинган Асосий қонуни муҳим аҳамиятга эга. Асосий қонуннинг 83-моддасига мувофиқ, ҳарбий адлия Қуролли Кучлар ва хавфсизлик кучлари ҳарбий хизматчилари содир этган барча ҳарбий жиноятларни кўриб чиқиш бўйича мутлақ ваколатга эга бўлган мустақил суд органи ҳисобланади, 86-моддада прокуратура суд ҳокимияти таркибига кириши, жамият номидан жиноий таъқибни амалга ошириши, суд органлари фаолиятини назорат қилиши, жиноят қонунчилиги ижросини таъминлаши, ҳуқуқбузарларни таъқиб этиши ва суд қарорлари ижросини таъминлаши белгилаб қўйилган.[4]

Уммон ҳуқуқий тизими ривожидаги муҳим босқич 87/2022-сонли Қироллик фармони билан Ҳарбий адлия тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бўлган. Ушбу ҳужжат билан 2011 йилда аввалги Ҳарбий адлия тўғрисидаги қонун бекор қилиниб, янги тартиб тизими жорий этилиб, қонун давлатнинг Асосий қонуни, Суд ҳокимияти тўғрисидаги қонун, Прокуратура тўғрисидаги қонун, Жиноят-процессуал қонуни ва Уммон Жиноят қонуни қоидалари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган.[5]

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунчилик тизими ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, унга кўра Уммонда узоқ вақт давомида Мудофаа вазирлиги ва Султон қуролли кучлари ходимларининг пенсия таъминоти ҳамда хизмат тугаганидан кейинги тўловлари бўйича 3/2002-сонли Қироллик фармони билан белгиланган махсус тартиб амал қилган. Ушбу ҳужжат ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати тугаганидан кейинги пенсия таъминотига оид ҳуқуқларини тартибга солган.

[4]Уммон Султонлиги Конституцияси. https://decree.om/2021/rd20210006/
[5]2022 йил 6 декабрдаги «Ҳарбий адлия тўғрисида»ги қонун. https://ihl-databases.icrc.org/en/national-practice/omani-military-judiciary-law-royal-decree-no-87-2022



Уммон қонунчилигида суд тартиб-таомиллари орқали ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини таъминлаш механизми аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизм доирасида тақдим этилган материалларга кўра, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган ҳуқуқ сифатида қаралади, давлат эса одил судловдан фойдаланиш имкониятини ва ишларни ўз вақтида кўриб чиқишни таъминлаш мажбуриятини олади. Бундан ташқари, прокуратура жиноий таъқиб ва жиноятларни тергов қилишни мустақил равишда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жабрланувчилар ва тегишли мансабдор шахсларнинг хабарлари асосида амалга оширади.[6]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳарбий соҳада прокурор назорати предметини қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, прокурор назорати предмети ҳарбий хизматни ўташ, пул ва моддий таъминот, тиббий хизмат, пенсия таъминоти, ижтимоий кафолатлар, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилишини қамраб олиши лозим.

Хорижий мамлакатлардан Тунис Республикаси қонунчилигини кўриб чиқсак, бу мамлакат ҳуқуқий тизимида ихтисослаштирилган ҳарбий адлия тизими фаолият юритиб, унинг ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Асосий норматив ҳужжатлардан бири 2011 йилнинг 29 июлида қабул қилинган 2011-70-сонли Қонун бўлиб, у ҳарбий адлияни ташкил этиш ва ҳарбий судьяларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солади. Қонун ҳарбий адлия тизимидаги тегишли лавозимлар, жумладан, ҳарбий прокурорлар ва

[6]БМТнинг 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши» конвенцияси. https://www.ohchr.org/ru/instruments-mechanisms/instruments/convention-against-torture-and-other-cruel-inhuman-or-degrading

судьяларнинг ваколатлари, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Ушбу қонун ҳарбий адлия кодекси билан биргаликда мамлакатдаги тегишли органлари фаолиятининг норматив асосини ҳам ташкил этади.[7]

Шу билан бирга, Тунис давлатининг ҳарбий адлия модели Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган прокурор назорати тизими билан бир хил деб қараш мумкин эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ташкил этиш, ваколатларни тақсимлаш ва ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларидаги фарқлар комплекс равишда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўтказишни тақозо этади.

Жиноий суд иш юритуви соҳасидаги ҳарбий адлия органлари ваколатлари билан қонунчилик ижроси устидан назорат олиб борувчи прокуратура ваколатларини аниқ фарқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ёндашув хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқий анъаналарни ҳисобга олувчи илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Хорижий мамлакатлардан Марокаш Қироллигида ҳарбий адлия органлари 2014 йилда қабул қилинган Марокашнинг 108.13-сонли Ҳарбий адлия тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинади. Қонун ҳарбий ва фуқаролик суд органларининг ваколатларини ҳамда ҳарбий хизматчилар учун процессуал кафолатларни тартибга солади.[8]

Марокаш мамлакатида прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳарбий суд органлари билан ҳамкорлиги ва ҳарбий прокурорлар ваколатлари чегараларини тадқиқ этиш лозим. Марокаш давлатида прокурорлар ҳарбий хизматчиларнинг барча ижтимоий ва моддий

[7]2011 йил 29 июлдаги Декрет-қонун. https://legislation-securite.tn/latest-laws/decret-loi-n-2011-70-du-29-juillet-2011-relatif-a-lorganisation-de-la-justice-militaire-et-le-statut-general-des-juges-militaires/

[8]Марокашнинг 108.13-сонли Ҳарбий адлия тўғрисидаги қонуни. https://www.huquqai.ma/laws/271--14-1-ظهير-شريف-رقم-187-بتنفيذ-القانون-رقم-2014-ديسمبر-10-1436-من-صفر-17-صادر-في

ҳуқуқлари устидан назорат олиб боради деб таъкидлаш мумкин эмас, бу ҳолат албатта мамлакат қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

Мамлакатимиз қонунчилиги билан қиёслаш учун 2023 йилнинг 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши муносабати билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-873-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Бу қонун билан Қуролли Кучлар тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ўзгартишлар киритилган. Белгиланган йўналишлар қаторига қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, коррупциявий хавфларнинг олдини олиш ва ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш киради.[9]

Ўзбекистон Республикаси, Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси ва Марокаш Қироллигида Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солинишини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳарбий соҳада қонунийликни таъминлаш учун нафақат ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини белгилаш, балки қоидабузарликларни аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизмларини яратиш ҳам зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси, Уммон Султонлиги, Тунис Республикаси ва Марокаш Қироллиги қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳарбий хизматчиларни самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш прокуратура органлари

[9]Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши муносабати билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни.https://lex.uz/ru/docs/6647377

ваколатларининг қонунчиликда аниқ мустаҳкамланиши, прокурор таъсир чоралари механизмларининг самарадорлиги ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш кафолатлари мавжудлигига боғлиқ деган хулосага келиш имконини беради. Хорижий тажрибани ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Прокурор назорати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат предметини аниқлаштириш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, прокурор таъсир чоралари ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтириш ва аниқланган қоидабузарликларни ҳисобга олишнинг ҳимояланган рақамли механизмларини жорий этишга қаратилган қўшимча ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, уй-жой, тиббий ва пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишига, шунингдек, ҳарбий соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати қонунчилигини янада такомиллаштириш нафақат соҳада қоидабузарликларни аниқлашга, балки ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини амалда, ўз вақтида ва тўлиқ тиклашни таъминлашга ҳам қаратилган бўлиши керак. Фикримизча, таҳлил этилган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида таклиф этилган тавсияларни амалга ошириш мамлакатимизда прокурор назорати самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга, Қуролли Кучлар тизимида қонунийликни

мустаҳкамлашга ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Янги таҳрир, Тошкент-2023 йил.
2.Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Янги таҳрир, /охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан/. URL: https://lex.uz/ru/docs/105533
3.Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 31 октябрдаги ЎРҚ-873-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муносабати билан прокуратура тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/ru/docs/6647377
4.Прокурор назорати: ахборот-ҳуқуқий материал. URL: https://nrm.uz/contentf?doc=107761_prokurorskiy_nadzor&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistanahttps://nrm.uz/contentf?doc=107761_prokurorskiy_nadzor&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
5.Уммон Султонлиги давлатининг 6/2021-сонли Қироллик фармони билан тасдиқланган Асосий қонуни. URL: https://decree.om/2021/rd20210006/
6.Уммон Султонлигининг ҳарбий хизматни ўташдан кейинги пенсия таъминоти ва тўловларга оид 3/2002-сонли Қироллик фармони.
7.Тунис Республикасининг 2011 йил 29 июлдаги 2011-70-сонли, ҳарбий адлияни ташкил этиш ва ҳарбий судьяларнинг умумий мақоми тўғрисидаги Декрет-қонуни. URL: https://legislation-securite.tn/latest-laws/decret-loi-n-2011-70-du-29-juillet-2011-relatif-a-lorganisation-de-la-justice-militaire-et-le-statut-general-des-juges-militaires/



8.Марокаш Қироллигининг 2014 йилдаги 108.13-сонли Ҳарбий адлия тўғрисидаги қонуни. URL: https://www.huquqai.ma/laws/271--رقم-ظهير-شريف-رقمصفر-من-17-في--1-14-187-صادر-في-17-من-صفر-1436-ديسمبر-2014-بتنفيذ-القانون
صادر-1-14-187-رقم-ظهير-شريف-بتنفيذ-القانون-رقم-2014-ديسمبر-1436-10

9.П.А.Мастеренко “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий таъминоти тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва моҳияти. Прокурор назорати вазифалари ва принципларини белгилаш” 2025 йил 7 декабрь. URL: https://www.вестник-науки.рф/article/27052